

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион
технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида)”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Бажарди: “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим
йўналиши битирувчи 4-курс**

талабаси Ўзбеков А.

Илмий раҳбари:

Ўқитувчи: Ачилов Н.А.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____сонли баённомаси “_____” _____ 2015 йил

ТЕРМИЗ – 2015

Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида).

Режа:

Кириш

I. Боб. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий назарий асослари.

I.1. Иновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни.

I.2. Иновацион фаолиятнинг муҳим компонентлари ва мавжуд ҳолати

I. Боб учун хулоса

II. Боб. Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг усул ва воситалари.

II.1. Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллаш шакл ва воситалари.

II.2. 4-синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари.

II. Боб учун хулоса

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимиз И.А. Каримов ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бера бошладилар. Жумладан, таълим тизимида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Давлат таълим стандартлари”нинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, инновацион педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш, вазифалари белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун ёшлар таълим-тарбия тизимини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсади ҳам педагогик технологиялардан кенг фойдаланишимизни талаб этмоқда. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига кадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз”.¹

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш келажакда ёш авлодни юқори касбий маданият, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қатнаша олиш, эркин фикр юритиш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган. Бу эса ўз

¹ Президент И.А.Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан. – Тошкент, 2012 йил, 17 феврал.

навбатида ўқувчиларнинг илмий билим даражасини ва фаоллигини кенгайтиришни талаб қилади. Халқ таълим муассасаларида фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишларини ортиришга, мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга, мантикий тафаккурини ўстиришга қаратилган интерфаол таълим олишларига кўмак берувчи инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, инновацион технологиялар асосида мантикий фикрлаш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил этилишига сабаб бўладиган турли ташаббус ва янгиликларнинг яхлит тизимида намоён бўлади. Илм, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, янги техника ва технологияларнинг жамиятнинг барча қатламларига кириб бориши, ахборот технологияси воситаларининг барча давлат ва нодавлат муассасаларида қўлланилиши ўқитувчилардан узлуксиз билим олишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфасига, ақлий салоҳиятига ҳамда касбий маҳоратига нисбатан алоҳида масъулият юкланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйдагиларни қайд этади, биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни адо этишда биринчи галда ана шу машақатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Ушбу фикрлардан бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талабларнинг мазмун ва моҳияти англанилади. Ўқитувчиларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, улар бошқарувчи, мулоқот қилувчи, йўналтирувчи, ташкил этувчи ва баҳоловчи ролларини амалга оширишлари керак бўлади. Ўқитувчининг дарс бериш жараёнидаги роли анча мураккаб бўлиб, унинг ўзига хос тарихий ва замонавий жиҳатлари мавжуд. Олдинги даврларда ўқитувчиларнинг фақатгина замонавий билимлар бериши талаб қилинса,

хозирда улардан тарбиявий, маданий-маънавий, сиёсий ва амалий билимлар бериш ҳам талаб қилинади.

Ўқитиш услубиятининг бошқа турлари эса бир қанча олимлар томонидан ишлаб чиқилган фалсафий-мантиқий методлар асосида, масалан, Сукрот услубида, мулоқот усулида ёки корпоратив усулда ташкил қилинган. Ундан сўнг ўқитишнинг таълим бериш методлари асосида ташкил этиш кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Бунда ўқувчи-талабаларнинг маълум бир соҳа ёки фандан билим олишлари махсус усуллар, методлар, таълим стандартлари ёки стратегиялар асосида амалга оширилар эди. Баъзи бир методларда ўқитувчи доминант ролида бўлиб, барча таълим бериш вазифаларини ўзи ҳал қилар, бошқаларида эса ўқувчиларга тўла эркинлик берилиб, улар демократик тамойиллар асосида ўқитилар, яна бошқа бирларида эса ўқувчи ва ўқитувчи орасида тенглик ҳамда ижодий фикр алмашилиш жараёни амалга оширилиб, ўзаро мулоқот воситасида интерфаол таълим жараёни амалга оширилар эди.

Бироқ, бу методларнинг ишлатилиши ва самараси ўқувчи-талабаларнинг билим даражасига, интилишларига, онгининг ривожланиш кўрсаткичларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан, аудиториядаги ўқувчиларнинг аксарияти билим олишни истамайдиган ва бунга интилмайдиган бўлса, аммо ўқитувчидан уларга қандайдир усуллар билан бўлса ҳам қандайдир билим бериш талаб қилинса, у ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар қандай метод, усул ёки стратегия ҳам ўз-ўзидан ожизлик қилиб қолади. Бундай ҳолларда таълим беришнинг энг янги методларидан бири кооператив таълим бериш методи бўлиб, унда талабалар ва таълим берувчи инструктор биргаликда маълум бир ҳаётий масала ёки муаммоларни ҳал қилиш жараёнида тегишли малакага ёки билимга эга бўладилар. Аммо ҳозирги таълим бериш жараёни асосан синфда ёки махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар ва ўқитувчининг ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир². Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”³.

Тилни тизимли ўрганишга асосланган она тили фани ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, луғат бойлигини ошириш, ўзгалар нутқини тинглай ва англай олиш, фикрни аниқ, ихчам ифодалаш, ўз танлаш ва уни ўринли қўллаш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириш, фикр ифодалашда шакл ва мазмун уйғунлигига эришиш, ўқувчи- таълим-ўқитувчи муносабатларини тўғри ташкил этиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга хизмат қилади.

Она тили фани, эгалланган билимларни педагогик амалиётга жорий қилиш, педагогик технологиялардан фойдаланиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирган. Она тили фани ўқитишнинг асосий вазифаси ўқувчиларни эркин, ижодий, мустақил фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда, адабий тил меъёрлари асосида тўғри ифодалай оладиган бир маънони турли шаклларда бера билиш кўникмаси шаклланган адабий нутқ меъёрларини эгаллаган етук мутахассисларни тарбиялаб етказишдир. Она тили фанини ўрганиш жараёнида қўйидаги вазифалар бажарилади:

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енглмас куч.-Т.: “Маънавият”,2008 60-б.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият-енглмас куч.-Т.: “Маънавият”,2008 83-б.

- ўқув машғулотида тил ва нутқ ходисаларини ўзаро фарқлаш, қиёслаш, умумлаштириш асосида олиб бориб, ўқувчининг мустақил ва ижодий фикрлаши учун кенг имконият яратиб бериш;

- ўқувчи фаолиятини сўзга эҳтиёж ҳосил қиладиган ўқув топшириқлари орқали мақсадли бошқариб бориш, сўз бойлигини оширишни, тафаккур доирасини кенгайтириш, нутқий салоҳиятни шакллантириш;

- ўқувчиларни коммуникатив саводхонлик даражасини орттиришнинг шакл, йўл ва усулларини ўрганиш;

- она тили дарсларига ноанъанавий дарсларни олиб кириш ва уни таълим мазмунига сингдириш, дарс ўтишнинг янги усулларини топиш, Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга замин яратади.

Инсон шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини уйғотишда, миллий тилга, ўз халқининг анъаналарига ифтихор ҳиссини камол топтиришда она тили дарсларининг ўрни беқиёсдир. Муаммонинг долзарблиги, назарий-педагогик ва амалий ҳолатидан келиб чиқиб, биз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини, **“Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида)”** деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарали йўллари(4-синфлар мисолида) ни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари ва воситалари(4-синфлар мисолида).

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш;

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларининг педагогик шарт-шароитларини назарий ва методик жиҳатдан асослаш;

- тўпланган назарий-методик маълумотлар ва тажриба-синов натижалари асосида методик-услубий тавсияларни бериш.

Битирув малакавий ишнинг методлари:

- тадқиқот жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди. Мавзуга оид фалсафий, социологик, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишга оид педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Кузатиш, суҳбат, тест, анкета сўровномалари, мустақил ишлаш, педагогик тажриба ва синов ишлари.

Битирув малакавий иш икки босқичда олиб борилди:

Мавзуга оид тегишли адабиётлар ўрганилди, таҳлил қилинди ва муаммонинг назарий ва амалий асослари ўрганилди. Шунингдек, ишнинг мақсади, вазифаси, илмий фарази аниқланди. Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан

фойдаланишнинг бугунги ҳолати ўрганилди. Таълим-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида инновацион технологиялардан фойдаланишга оид тажрибалар кузатилди ва таҳлил қилинди.

Иккинчи босқич – тажриба - синов ишлари Термиз шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактабининг 4- синфларида олиб борилди.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари:

Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ғоялар, Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид адабиётлардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази: она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги ҳолатларда юқори бўлиши мумкин, агарда:

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишни муайян тизимга эга бўлган мазмун, шакл ва методлари ишлаб чиқилса;

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишни ташкил этиш жараёнида интерфаол методлардан кенг қўлланилиб, кўرғазмали қуроллардан кенг фойдаланишга эришилса;

- она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, она тили дарслари самарали бўлади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари долзарб педагогик муаммо сифатида амалий жиҳатдан асосланди.

Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари ва воситалари такомиллаштирилди.

Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари кўрсатилди ва тажриба синов жараёнида олинган натижалар қайта ўрганилди.

она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган дарсларнинг самарадорлик даражаси аниқланди ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти: она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган назарий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти: Тажриба жарёнида ишлаб чиқилган материалларидан бошланғич синф она тили дарсларида инновацион технологияларни қўллашда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши: кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. Боб. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий назарий асослари.

I.1. Иновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажакда мамлакатимизнинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимига ҳам боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши, сифат даражасида ривожлантириш нафақат таълим самарадорлигининг ошишига, шу соҳадаги тизим такомиллашувига ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳаларини ўсишига ҳам сезиларли даражада таъсир этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил сифатида белгилаб берилаяпти.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат. Бу ҳолат бугунги кунда ўта долзарблиги билан муҳимдир, чунки, ушбу яъни инновацион жараён таълим муассасаларини яшаш шартини (бевосита ва кўчма маънода ҳам), келажак авлодлар ва педагоглар жамоасининг алоқаларини ижтимоий ҳимоялаш шартини бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳаётини тажрибалар таълим муассасалари олдида янги, мумкин бўлмагандек туюлган вазифаларни, яъни эскичасига ишлаб туриб, аниқ янгиликларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни олдимизга кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов қуйдагича таъкидлайди: “Барча даврларда ҳам ғоят мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечиб, бу соҳада янги йўللارни очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган

фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта қунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларига эришиш учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим”⁴.

Барча янгиликларга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашадиган, ўтмиш бойликларга, тажрибаларга эътиқод руҳида тарбияланган, стабилликни ёқтирадиган кекса авлодни, шунингдек ҳеч қандай ўзгаришларни хоҳламайдиган педагогларни ҳам тушуниш мумкин. Бундай ҳолатда “инновацион жараёнлар орқасидан қувиш” бугунги кун ҳаётимизнинг ажралмас қисми эканлигини ҳам тушуниш зарур. Хоҳлаймизми ёки йўқ бизнинг таълим муассасалари деворининг орқасида бозор ва бозор муносабатлари жараёни кетаяпти. Бу жараён тўғридан-тўғри бизга тегишлидир, чунки таълим муассасалари ўртасидаги рақобат тушунчаси уларни рақобат қобилияти, таълим сифати, ижтимоий буюртмалар буларнинг ҳаммаси турмушимизга кириб келаяпти. Тўғрироғи, бу жараён биз яшаётган муҳит, ҳаёт тарзи эканлигини ҳар доим хис этиб туришимиз керак.

Бу жараёнга қарши туриш бефойда ва ҳавфлидир. Биз танлаш имкониятига эга эмасмиз ва ушбу тезкор жараёнда иштирок этишга мажбурмиз. Мазкур жараёнда энг муҳими ақл билан, фойдали тарзда, ўз ташкилотимиз учун иштирок этишдан иборат. Кўпчилик мутахассислар фикрича, ўзгаришларга қобилият, бугунги кунда ривожланишнинг ҳал қилувчи омили, у ёки бу таълим муассасаларининг рақобат қобилиятини таъминловчи асосий омил деб ҳисоблайдилар.

Бугунги кунда мактаб ва таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият-енглмас куч.-Т.:“Маънавият”, 2008 129-б.

келмоқда.

Инновация (in-“лик”, novus-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади. “Инновацион таълим” деганда одатда ўқув жараёнига янги элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;
- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимига;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

Янгилик тарихий аспектда нисбийлик аҳамият касб этади. Янгилик аниқ тарихий характерга эга, яъни ўз вақтидан олдин пайдо бўлиши мумкин, ўз вақтида меъёр бўлиши ёки эскириши ҳам мумкин. Мактаб ёки олий тизимнинг ривожланиш жараёнида, эҳтимол таълим тизими бутунча:

- абсолют янгилиги (ўхшаши, прототипнинг йўқлиги);
- нисбатан янгилиги;
- ўзига хос, ихтирочилиги кўринишидагилар ҳисобга олинади.

Янгилик хиллари (типлар) мактаб ва олий тизимда турлича асосларга кўра гуруҳланади:

Биринчи классификация янгиликларни киритиш, мактаб ва олий тизимда содир бўладиган педагогик жараёнга алоқадорлиги билан асосланади. Ушбу жараённи тушунишга таяниб, қуйидаги кўринишдаги янгилик хилларини ажратиш мумкин:

- таълим мақсади ва мазмунига;
- педагогик жараён методикаси, вазифалари, усуллари, технологияларга;

- таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари ва воситалари;
- раҳбарият, педагог ва ўқувчилар фаолиятига.

Таълим тизимида иккинчи классификация янгиликни киритиш масштаби белгисига асосланади. Бу ерда қуйидаги ўзгаришларни ажратиш мумкин:

- бир-бирлари билан боғлиқ бўлмаган локал ва алоҳида;
- комплекс, ўзаро бир-бири билан боғлиқ;
- бутун мактаб ва олий тизимни қамраб олувчи, тизимли.

Учинчи классификация инновацион имкониятларга қараб амалга оширилади. Бу ҳолатда эътиборга олинади:

- таълим дастурлари, ўқув режалар, тузилмаларни такомиллаштириш, ихтирочилик, кўринишларни ўзгартириш билан боғлиқ маълум ва қабул қилинганларни модификациялаш;
- комбинаторликка (ўзгартиришлар) хос янгилик киритиш;
- радикал ўзгартиришлар.

Янгилик киритишнинг тўртинчи классификацияси олдингиларига нисбатан белгиларига асосланиб, гуруҳланади. Бундай ёндашувда янгилик ўрин алмашувчи, бекор қилинувчи ёки ошиб берувчиларга қараб белгиланади. Бу ҳолатда мактаб ва олий тизимда янгиланиш манбаи сифатида:

- мамлакат, регион, шаҳар, туманнинг эҳтиёжи сифатидаги ижтимоий буюртмаси;
- ижтимоий буюртмани регион ва вилоят аҳамиятига молик қонун ва ҳужжатларда акс этиши;
- инсон тўғрисидаги комплекс фанга эришиш, илғор педагогик тажриба;

- хато ва камчиликларни синашда раҳбар ва педагогларнинг интуицияси ва ижодкорлиги;
- тажриб-синов ишлари;
- чет эл тажрибалари.

Мамлакатимизда ривожланиб бораётган инновацион сиёсат таълим олдига муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. 2006 йил июл ойида Санкт-Петербург шаҳрида “Саккизлик гуруҳи” томонидан Саммитда қабул қилинган “XXI асрда инновацион жамият учун таълим” тўғрисидаги ҳужжат ҳолатларини йириклаштиришни ҳисобга олишни ва муаммонинг ечимини талаб этади.

Фанни ва инновацияни келажакда ривожлантириш стратегиясида “инновацион инсонни” яратиш, яъни ишлашдан қатъий назар у инновация ва янги билимларга мойил бўлиши керак. Бугунги кунда замонавий инновацион яроқлилиқ юзага келмоқда.

Ҳозирги миллий лойиҳалар сайтида “инновацион таълим” ибораси пайдо бўлмоқда ва унда айтилишича инновацион таълим ўқитишни янги билимларни яратиш жараёнида амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса бугунги кунда мавжуд “Инновацион таълим технологиялари” тушунчаси билан янги “инновацион таълим” тушунчаларини бир-биридан ажратишни талаб этмоқда.

Таълим соҳаси-мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фаол инновацион ҳаракатни бошлади. Маълум босқичда XX аср охирида бундай ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, А.Г.Ривин ва В.К.Дяченко томонидан ўқитишни жамоавий ўқитиш, Д.Б.Элконин, В.В.Давыдов, Л.В.Занковлар томонидан илгари сурилган ривожлантирувчи инновацион таълим тўғрисидаги қарашлар ўз вақтида маълум аҳамият касб этди. Шу билан бирга бошқа инновацион таълим технологиялари: диалектик ўқитиш усуллари (А.И.Гончарук, В.Л.Зарина), ўқитишнинг индивидуал йўналишли усули (А.А.Ярулов), “Экология ва диалектика” (Л.В.Тарасов), эвристик

ўқитиш (А.В.Хуторской) диалог маданияти (В.С.Библер, С.Ю.Курганов), лойиҳали ўз-ўзини рефлексия (Г.П.Шедровицкая) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юқоридаги келтирилган технологиялар ўқитишда ўзлаштиришни юқори кўтариш, ўқув жараёнида қизиқтиришни, ўқув материални тушунишни яхшилашни, функционал саводхонликни шакллантиришни, лойиҳали саводхонликни, назарий тафаккурни, экологик ва иқтисодий тафаккурни, коммуникативликни, ижтимоий фаолликни, фуқаролик онгини, ўз-ўзини англаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган эди.

Ҳозирда бошқа фаолият соҳалари, жумладан, ишлаб чиқариш ривожланишининг инновацион йўлига ўтгач, таълим соҳаси уларга фақат етакчиларни тайёрлаш функциясини бажарди. Лекин аслида эса бошқача кўриниш кўзга ташланади. Илгари жамият учун унча кўп бўлмаган ва мустақил шаклланган инноваторлар етарли эди.

Юқорида санаб ўтилган таълим технологиялари учун инноваторлар фақат педагоглар эди ва уларнинг инновациялари ўқувчиларда зарурий сифатларни шаклланишига йўналтирилган бўлиб, инновацион тафаккур ва қобилиятни инновацион фаолиятига йўналтиришга эътибор қаратилмаган. Билдирилган фикрлар “инновацион таълим технологиялари” ва “инновацион таълим” тушунчаларини қуйидаги тарзда ажратиб, алоҳида қараб чиқишни талаб этади:

- инновацион таълим технологиялари ва дастурлари – бу барча таълим технологиялари, яратувчи ва уларни ривожлантирувчи педагог инновацион фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

- инновацион таълим – бу шундай инновацион таълим технологиялари ва дастурларики, унда педагог инновацион фаолияти натижаси бўлиб, ўқитилаётганлар инновацион ғояларини яратувчиси ҳисобланади;

- ишлаб чиқаришнинг моноинновационлиги (мутахассислар инновацияси) таълимнинг моноинновацион - (педагог инновацияси) эмаслигига тўғри келади, унинг инновациялиги, педагог инновациялиги, уларнинг оқибати, ўқитилаётганларнинг инновациясидир.

Бу ўринда масаланинг долзарблиги мавжуд “моно” инновацион таълим технологияларини “би”-инновацион ҳолатигача ривожлантиришдан иборат. Булар бир қатор чет эл ўқувчилари мисолида улар томонидан яратилган тажрибалар, ихтиролар мисолида ўз амалий исботи билан тасдиқланган.

Бу ўринда замонавий фан ютуқлари асосида кучли, талантли тафаккур орқали амалга оширилишини, яъни ихтироли масалаларни ҳал этиш назарияси ИМЭН йўли билан ҳал этиш мумкинлиги исботланган. Бир қатор ривожланган мамлакатлар илмий лабораторияларида (ИМЭН) ИМЭН-педагогикага “билимларни ихтиро қилиш” деб номланган янги метод яратилди. ИМЭН нинг интеграция асослари энг кўп тарқалган барча инновацион педагогик технологиялар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Бунинг қўшимча самараси - турли педагогик технологияларни амалий диалектика тилида ёзиб чиқиш имконини беради.

Дунёдаги глобал ўзгаришлар жараёни, мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ўзгаришлар, таълим тизимида тайёрланаётган мутахассисларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Педагогик таълим соҳасида 80-90 йилларда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ягона ва яхлит тизим сифатида инновацион характер касб этиб, қуйидаги жараёнларга эътиборни қаратганини кўрамиз:

- таълим алоҳидалиги (децентрализация) маълум регионларда ушбу соҳани мустақил ривожлантириш ва маълум мутахассисларга “буюртма портфели” ни шакллантириш имконини берди;

- олий ўқув юртларини демократлаштириш, педагогик жараённи ташкил этишнинг шакл, восита ва шартларини белгилашда мустақилликни

таъминловчи имкониятни берди;

– умумтаълим муассасаларини типларига мувофиқ тарзда педагог учун ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалаш ва ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида ўзи ўқитадиган ўқув фанидан фойдаланишда эркинлик бериш ва бу борада умумтаълим мактабларининг эҳтиёжини ҳисобга олиш учун имкониятлар берди;

– олинаётган педагогик таълим мазмуни ва даражасини танлаш имконини ўз ишига олувчи индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишга мўлжалланган ўқувчининг шахсий қизиқишларини қониқтириш заруратини кўзда тутди;

– унинг турли даражадаги имкониятлар асосида қисқа муддат ичида профессионал таълим берувчи мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

Юқорида айтиб ўтилган жараёнлар маълум даврларда кучли таъсир этилган бўлсада, бу ўринда анъанавий тарзда кадрлар тайёрлашга нисбатан инновацион жараёнлар ўртасида маълум диалектик ўзаро боғлиқлик мавжудлигини эътироф этган ҳолда, анъанавий ва инновацион таълимнинг ҳар бирини ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмасдан бўлмайди.

Анъанавий педагогик таълим мазмуни ва ташкил этиши жиҳатидан аниқ ўқув фани бўйича мутахассис ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган. Касбий-педагогик тайёргарликдаги анъанавий тизимда, фаолиятли ёндашув асосида ўқув-тарбиявий жараён ётади ва бу жараёнда иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар субъект-объект тарзида йўлга қўйилган. Бу ерда субъект-ўқитувчи маълум чегараланган шароитда бўлиб, унинг фаолиятини ўқув режа ва ўқув дастури бошқаради ва ҳамда муносабатлар қатъий белгилаб қўйилган. Объект-талаба маълум даражадаги билим ҳажми билан чегараланган.

Анъанавий таълим мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ автоном фаолият билан белгиланган: ўқитувчини ўқитиш фаолияти ва талабани ўқув билиш фаолияти; ўқиётган талаба ўқитувчи режасининг ижросиси ва бошқарув

объекти бўлиб фаолият кўрсатади.

Анъанавийликдаги ўқув жараёнида ўзаро фаолият тақлид қилиш, имитация, намуна бўйича фаолият кўрсатиш, ижтимоий ва шахслараро ўзаро таъсирнинг бир хилдалиги, ташқи назорат ва натижани баҳолаш, буларнинг барчаси билиш мотивларини қисқартириш, билиш мотивларини кенгайтишига имкон бермайди.

I.2. Инновацион фаолиятнинг муҳим компонентлари ва мавжуд ҳолати

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш – инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда 60-йилларда пайдо бўлди. Янгилик киритишнинг социал-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифа(тип)лари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

Инновация (инглизча *innovation*) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи. Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади. Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда

хаётнинг даврийлиги концепсиясини фарқлайдилар. Бу концепсия янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади. Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепсиясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.
2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.
3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.
4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.
5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.
6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

Янгилик киритишнинг тизимли концепсияси муаллифлари инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар. Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир. Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодаладиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади. Хусусий янгилик жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини

янгилашни кўзда тутлади. Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади. Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади. Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир. Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий такрорланиш ва қайтиши қонуни.

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди. Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) колоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади. Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

1. Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

2. Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

– маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;

– шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;

– кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;

– индивидуал-ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир. Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниб каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир. Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш. Демак, ўқитувчи янги

педагогик технологиялар, назариялар, концепсияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғибчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчанади:

- ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгиланиш талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиланишларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;

- таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;

- педагогик янгиланиш ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгиланиш киритишнинг самардорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгиланиш, мақбуллик (оптималност), юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради. Янгиланиш педагогик янгиланиш меъёри сифатида ўзида тақлиф қилинадиган янгиланиш, янгиланиш даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиланишнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар. Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради. Натижалилик, педагогик янгиланиш ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогик янгиланиш дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгиланиш оммавий татбиқ этишга тавсия этилади.

В.А.Сластенин ўтказган тадқиқотлар ўқитувчининг инновацион фаолиятга касбий тайёргарлигини аниқлаш имкониятларини беради. Улар куйидаги тавсифлардан иборат:

- мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;
- келгусида қайта ишлаш мақсадида янгиликнинг ўзидаги ва уни татбиқ қилишдаги камчиликларни аниқлаш;
- янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорларини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва пишиқлик даражасини аниқлаш;
- янгиликни татбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш;
- янгиликни татбиқ этадиган ташкилотнинг инновация қобилиятига баҳо бериш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ишига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепсиясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади. Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим компонентларидан бири юксак профессионализм – акмеология, юнонча энг олий нуқта, энг гуллаган давр, юксак

профессионализм маъноларини беради. Касбий интеллектуал етуклик ва маҳоратни билдиради. Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишонлари;
- уқувлилик;
- қобилият;
- истеъдод;
- оила тарбияси шароити;
- ўқув юрти;
- ўз хатти-ҳаракати.

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- ижодий индивидуаллик;
- ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;
- ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал - ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим компонентларидан

бири креативликдир. Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Биз бошланғич синф ўқувчилари Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларининг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактабида амалиётда бўлдик. Амалиёт давомида бошланғич 4-синф ўқувчиларининг Она тили дарсликларни кузатишдан бошладик. Дарсликлардаги ҳар бир мавзулар ўқувчиларни ватанни ардоқлашга, унинг ҳар бир қарич ерини муққадас билишга қолаверса ўқувчиларини ватанпарварлик, олийжаноблик каби инсонийлик хусусиятлари асосида тарбиялашга қаратилганлигини гувоҳи бўлдик. Дарсликлар таҳлилидан сўнг бошланғич синф ўқитувчиларининг дарсларини кузатдик ва таҳлил қилиб бордик. Дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллашнинг мавжуд ҳолатини кузатдик. Кузатиш жараёнида бошланғич синф ўқитувчилари интерфаол методлардан суэт ҳолда қўллаётганлари маълум бўлди. Таҳлил якунида 4-синф ўқитувчилари билан саволнома ўтказдик. Саволномада кўйдаги саволлар билан муружаат қилдик.

1. Савол. Инновация деганда нимани тушунасиз?
2. Савол. Дарсларингизни қандай ташкил этасиз?
3. Савол. Қандай педагогик технологияларни биласиз?
4. Савол. Сиз дарсингизда кўпроқ қайси методлардан қўллайсиз?
5. Савол. Инновацион технологияларнинг дарс самарадорлигини оширишдаги ролини тушунтиринг?

Юқорида берилган саволлар асосида, ўқитувчиларнинг инновацион технологиялар ҳақидаги фикр мулоҳазалари, улар берган жавобларидан аниқланди. Биз ўқитувчиларнинг ушбу саволларга берган жавоблари асосида

бошланғич синф Она тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўргандик ва қуйдагича хулосага келдик.

Биринчидан, инновацион технологиялар мазмуни ва моҳияти тўғрисида таълим муассасасида семинар тренинглари ташкил этилмаган.

Иккинчидан, инновацион технологиялар асосида ташкил этилган илғор тажрибалар вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилмаган.

Учинчидан, дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллашда педагогик технологияларнинг ўтказилиш босқичлари тўғрисида ўқувчиларга тушунчалар берилмаган.

Тўртинчидан, таълим муассасасида инновацион технологияларни самарали фойдаланишда ўқувчиларнинг билим имкониятлари эътиборга олинмаганлиги таҳлил жараёнида яққол намоён бўлди.

I. Боб учун хулоса

Биз битирув малакавий ишимизни биринчи бобини, Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий назарий асослари. I.1. Иновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни, деб номладик. Унда инновацион технологияларнинг назарий асослари ва мазмунига тўхталиб ўтдик. Инновацион технологиялар - ўқитишда ўзлаштиришни юқори даражада кўтариши, ўқув жараёнида ўқувчиларни қизиқтиришни, ўқув материални тушунишни, функционал саводхонликни шакллантиришни, лойиҳали саводхонликни, назарий тафаккурни, экологик ва иқтисодий тафаккурни, коммуникативликни, ижтимоий фаолликни, фуқаролик онгини, ўз-ўзини англаш ва бошқа вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган эди.

Битирув малакавий ишимизни биринчи боби I.2. Инновацион фаолиятнинг муҳим компонентлари ва мавжуд ҳолат деб номладик. Унда

инновацион фаолият компонентлари ҳақида тўхталдик. Мавжуд ҳолатида, биз бошланғич синф ўқувчилари Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишни ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактабида амалиётда бўлдик ва бошланғич синф Она тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўргандик ва қуйдагича хулосага келдик.

- инновацион технологиялар мазмуни ва моҳияти тўғрисида таълим муассасасида доимий равишда семинар тренинглар ташкил этилмаган.

- инновацион технологиялар асосида ташкил этилган илғор тажрибалар вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилмаган.

- дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллаш босқичлари ўқувчиларга тушунтирилмаган.

- таълим муассасасида инновацион технологияларни самарали фойдаланишда ўқувчиларнинг билим имкониятлари эътиборга олинмаганлиги таҳлил жараёнида яққол намоён бўлди.

II. Боб. Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг усул ва воситалари.

II.1. Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллаш шакл ва воситалари.

Республикаимизнинг барча соҳалари каби халқ таълими соҳаси ҳам чуқур ва изчил ислохотларни бошидан кечирмоқда. Бундан асосий мақсад – мактаб фаолиятини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш, ўқув-тарбия ишлари жараёнининг мазмунини, шаклини ҳамда янгилаш эвазига самарадорлигини оширишга эришишдан иборат. “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов, келажак авлоднинг ўзининг мустақил ва эркин фикрига эга, билимли ва салоҳиятли бўлиб камол топиши лозимлигини уқтира туриб.

Дарҳақиқат, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири - бу таълим ва тарбия жараёнини давр талаблари асосида олиб бориш, узвийлик тамойилларига асосланиб, инновацион педагогик технологиялар, шунингдек, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда дарслар ташкил этишдир.

Педагогик технология бу ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан ўқитиш ёки тарбиялаш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир.

Педагогик маҳорат – бу ўқитувчи ижодкорлигининг олий намунаси. Педагогик маҳорат ўқитувчида йиллар давомида шаклланади. Таълим

сифатини яхшилаш кўп жihatдан ўқитувчига боғлиқ ва ундан катта масъулият талаб этади.

Ўқитувчининг дарсни қайси усулда олиб бориши биринчи навбатда унинг педагогик маҳоратига (технологиясига) боғлиқдир. Бу вазифани бажариш учун ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса бошланғич синфларда таълим берувчилардан ўз касбий маҳоратларини доимий тарзда ошириб боришлари, инновацион технологияларнинг интерфаол методлари моҳиятини тўлиқ англашлари ва уни ўз дарсларида моҳирона фойдаланадиган бўлишларини тақозо этади.

Таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни фаол қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги кун муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашини ўстириш, уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айлантормоқ ниҳоят муҳимдир.

Ўқитувчи дарсда бошқарувчи, ўқувчилар эса, иштирокчига айланмоғи лозим. Биз, ўқитувчилар дарсларда ўқувчиларни эркин иштирокчига айтантира олсак, инновацион технологияни қўллаган бўламиз. Ўқитувчи бир хил ёки бир-бирига ўхшаш усулларда дарс ўтиш билан чегараланиб қолмаслиги керак.

Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг ёшини, билим савиясини ҳисобга олишни унутмаслик керак. Уларни оддий, осон ва вақтни кам оладиган турларидан бошлаб, дидактик ўйинлар ўтказишдан олдин аста-секин мураккаблаштириб бориш яхши натижа беради. Бундай иш тутиш, бир томондан болаларнинг дунёқараш ва онгини кенгайтирса, бошқа томондан, уларнинг баён этиш қобилиятини кучайтиради, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқитувчи бундай интерфаол методларни мавзу асосида маълум мақсаддан келиб чиққан ҳолда танлай олиши зарур. Айниқса, бошланғич синф она тили дарсларида ўрганиладиган мавзулар


хусусиятига қараб методлар танланиши, ўқувчиларда мавзулар юзасидан мулоҳаза юрита олиш, ўз фикрларини эркин баён этиш имкониятини туғдиради. Бу жараёнда кўпроқ тил бойлигига мурожаат қилишга эҳтиёж уйғотадиган, уларни мустақил фикрлашга йўналтирадиган усулларга алоҳида аҳамият қаратилиши даркор. Қуйида биз бошланғич синф она тили дарсларида қўлланиладиган дидактик ўйинлардан намуналар келтирамиз.

“Ким кўп сўз топа олади?” ўйини. Синф ўқувчилари тарқатма материаллар ёрдамида бешта гуруҳга бўлинади. Ўқувчиларга бир ҳарф берилади. Гуруҳ ўқувчиларига вақт берилади. Шу вақт ичида ўқувчилар ўзлари қўлларига олган ҳарфдан бошланиб ёзиладиган сўзлар ўйлаб топиб ёзишлари керак. Қайси гуруҳ аъзолари кўп сўз ўйлаб топсалар шу гуруҳ “ғолиб” деб топилади ва рағбатлантирилиб борилади.

Синф ўқувчилари бир неча гуруҳга ажратилади. Ўқитувчи бирон предмет ёки иш қуроли расмини ўқувчиларга кўрсатади.

Масалан: чинор, терак, олма дарахтларининг баргини кўрсатиб,


1. Узоқ умр кўрувчи дарахт қайси?
2. Қайси дарахт мева беради?
3. Жонли предметни топинг?



4. Қайси ҳайвон тез чопа олади? ва шу каби саволлар беради.



“Расмлар ора боғланиш”. Тасвирда нима акс эттирилган ? Тасвир нималардан ташкил топган ?



Ўқувчилар тасвирда яширинган сонларни топиш орқали уларни эслаб қолиш ва кўл ҳаракатини тўғри ишлатишга ўрганадилар. Улар ўйнаб юрганда ерга, дафтарга, бошқа жойларга тасвирни чизиш орқали ҳам сонларни ёки мавзунини эслаб қолиш кўникмаларини эгаллайдилар.

“Сўзнинг ўрнини топиш” ўйини. Ўйинни ўтказишдан олдин ўқитувчи ёзув тахтада ёки карточкада шеърини парчаларни ёзиб тарқатади. Карточкадаги айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Ўқитувчи ўқувчилардан сўзларнинг ўрнини топиб ёзишни талаб этади. Бундай ўйинларни ўтказиш ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ва луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Намуна:

Боғ яшнайти,

Уй яшнайти,

..... билан.

..... билан.


Дала яшнайти

Тоғ яшнайти

..... билан.

..... билан.

Ўқувчилар очиқ қолган сўзлар ўрнига мос келадиган тўғри жавобни топиб ёзишлари керак (боғбон, деҳқон, бола, лола).



“Сўз ўйлаб топ”		
китоб	қалдирғоч	Кон
қуёш	Светофор	Гол
қашқир	Жамила	ой

Бу машқда ўқувчилар “Бўғинлар” ҳақида билим ва кўникма оладилар. Ҳар бир харфни ўтиш вақтида ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб сўзлар ўйлаб топиб ёзади ва расмлар солишлари мумкин.

Дарсларда тестларни қўллаш. Тестлар билан ишлаш ўтилган дарсларни ўқувчилар қанчалик тушуниб етганлигини аниқлашда жуда ҳам қулайдир. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида тестлар билан ишлаш анъанага айланиб қолди. Бундай бир хиллик ўқувчиларни зериктириши, толиқтириши мумкин. Тест деганда 1 та савол 4 та жавоб ёки 4 та жавобдан қалитни аниқлаш кўз олдимизга келади. Биз тестнинг бошқа усулларини ҳам ўйлаб топсак ва дарсларда қўлласак ўқувчиларда қизиқиш уйғонади. Масалан, шундай тест усулидан бошланғич синфларда қуйидаги турини ўтказиш

мумкин. Бу тестда аввал калит аниқлаб олинади, саволлар кетма-кет бериб борилади, саволлар сони ва калит ўқитувчининг ўзига боғлиқ. Ўтилган дарс “Сўз туркумлари” ни мустаҳкамлашга доир дейлик.

Калитлар:

Саволлар:

- | | |
|----------|-------------|
| 1. от | 1. мен |
| 2. сон | 2. гул |
| 3. олмош | 3. гулдон |
| 4. феъл | 4. гулсиз |
| 5. сифат | 5. гуллади |
| | 6. икки |
| | 7. сафланди |
| | 8. оппоқ |
| | 9. ишчан |
| | 10. ўқимоқ |

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ж	3	1	1	5	4	2	4	5	5	4

Бу тестлар бир хиллик қолипдан чиқишга ёрдам беради ва дарсда ўқитувчи ва ўқувчи вақтини тежайди. Ўқитувчи тестни доскага ёки бирор плакатга ҳам тайёрлаб келиши мумкин. Айниқса, ўқитувчиларимизга эркинлик берилиши уларни ўзларида бор инновацион технологияларни қўллашга йўл очиб берди. Ўқитувчилар дарсларни сахналаштирилган усулларда ташкил этиб, уларни жонли тарзда олиб бора бошладилар.

Саҳналаштирилган дарслар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ҳаётда ўзини тута билишга, айрим ўқувчилар учун кўриш орқали мавзунини англаб олишда ёрдам беради.

“Ким саводхон” ўйини. Ўқувчиларга имлосини қийин сўзларни тўғри ёзиб бериш топширилади. Масалан: дар __, рос __, Самарқан __, пас __, гўш __, эс __ лик, дарах __, мар __.

Сўзлар гуруҳларга мана шундай картонга тайёрлаб топширилади. Ҳар бир гуруҳга берилган сўз бир хил бўлиши керак.

Қайси гуруҳ аъзолари берилган сўзга тўғри ёзиб кўрсатса, шу гуруҳ аъзолари ғолиб ҳисобланади.

Уларнинг олган баллари доскага ёзиб борилади ва ўйин шу тарзда давом эттирилади. Ўйин охирида қайси гуруҳ кўп балл тўплаган бўлса, шу гуруҳ аъзолари “Ким саводхон” ўйининини ғолиби бўлади.

“Бир-биримизга ўргатамиз” машғулотига “Рақамлар сўзлайди” ўйини машқда ўқувчилар беш кишидан иккита гуруҳга бўлинади. Икки гуруҳ аъзолари бир-бирларига қараб турадилар ва биринчи гуруҳ аъзоларига саволлар жавоби бор тарқатма материаллар тарқатиб берилади. Масалан, 23, 32,8, 5, 2, 15, 4, 1, 9,7 - ўқувчилар мана бу берилган рақамлар ҳақида сўзлаб беришлари керак.

Масалан, 23- бу бизнинг она тилимиздаги ундош ҳарфлар. Демак билдингизми, она тилимизда 23 та ундош ҳарф бор деб айтар экан ёнидаги ўқувчига бу машқни ҳар бир дарсда мавзу ҳақида берилган тушунчаларни мустаҳкамлаш жараёнида ишлатишимиз мумкин бўлган усуллардан бири экан.

Бошланғич синфларда «Морфология» (сўз туркумлари)ни ўқишда ўқувчилар уларни айрим вақтларда фарқлай олмай қолишади. Чунки, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг сўзларга қўшилиши туфайли бир сўз

туркумидан иккинчи сўз туркумини ҳосил бўлиши каби муаммога дуч келишларига сабаб бўлади. Масалан, предметнинг номини билдирган сўзлар от сўз туркуми бўлади деб ўргатамиз (гул-ла, дазмол-ла, қўл-ла) .

Шундай вақтларда мантикий ўйинларни ўтказиш, уларда бундай фарқларни тушуниб етишлари учун анча катта ёрдам беради. Қуйида бундай усуллардан намуналар келтирамиз. Ўқитувчи доскага сўзларни ёзиб қўяди. Масалан: қуёш, иш, гул, стол, дазмол, ручка, парта, китоб, ўй, қўл.

Ўқувчиларга берилган сўзлардан қайси бири фақат от сўз туркуми бўла олса 1-устунга, бошқа сўз туркуми ёки феъл сўз туркуми бўлса 2-устунга ёзиши сўралади.

Масалан:	1-устун	2-устун
	қуёш	иш - ла
	стол	гул - ла
	ручка	дазмол - ла
	парта	ўй - ла
	китоб	қўл - ла

Қайси ўқувчи тўғри ажрата олса шу ўқувчи ўйин ғолиби ҳисобланади.

Ўқувчиларни сўз бойлигини ошириш ҳамда сўзларни ўз ўрнида ишлата олиш қобилиятларини шакллантиришда “Сўз ўйлаб топинг” луғат ўйинларини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Масалан ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб. “От” сўз туркумига мисол бўладиган буғинли сўзлар ёзиш. Вазифани бажариш учун вақт берилади. Кейин тақдимот қиладилар. Ўқувчиларнинг ишлари баҳоланади, рағбатлантирилади.

Ўқувчилар билан “Ким тез топади?” ўйин- машқи ўтказилади. Бунда флипчат қоғозга булут расми солиниб қўйилади ва ниманинг расмини

кўраётганлиги ва бу ҳақида уларнинг нималарни билишлари ҳақида сўралади. Демак ёмғир томчилари керак экан. Булутнинг ичида “ким?” саволи бор. Демак ҳар бир ўқувчи ўзи чизган ёмғир томчиси ичига “ким” саволига жавоб бўладиган сўзни топиб ёзадилар.

Ўқитувчи: **Ўқувчилар:**

олтин	-	тилло
кумуш	-	чиройли, нафис
юз	-	афт, башара
ош	-	палов

“Ким зукко” ўйини. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ олдига, бир хил топшириқларни ёзиб беради. Ўқувчилар топшириқни гуруҳда муҳокама қилиб, жавобни ёзиб топширади. Ўқитувчи гуруҳларни ёзиб топширган жавобларини ўқиб ғолиб гуруҳни тақдирлайди. Масалан: Ўқувчиларга шундай сўзлар берилганки, улар шу сўзларни ўхшаш томонларини очиб беришлари лозим.

от – ҳайвон

от – бирор нарсани оти маъносида

от – сўз туркуми

ўт – ўсимлик

ўт – таъна аъзоси

ўт – олов маъносида

ўт – бирор жойга ўтиш маъносида

бўй – узунлик маъносида

бўй – ҳид, ис маъносида

бўй – бирор жойнинг ёнида маъносида.

Қайси гуруҳ сўзларни кўпроқ маъно жиҳатларини топа олса, шу гуруҳ голиб ҳисобланади. Айтайлик 1-гуруҳ “ўт” сўзини 2 та маъносини, 2-гуруҳ 4 та, 3-гуруҳ 3 та маъносини топди. Қайси гуруҳ энг кўп сўзнинг маъно жиҳатини топган бўлса, шу гуруҳ “голиб” ҳисобланади ва рағбатлантирилиб бориладилар.

Маълумки, синтаксис бўлимида сўз бирикмаси, гап, гап турлари устида самарали ишлаш талаб қилинади. Шунга кўра синтактик мавзуларни ўрганиш жараёнида турли таълимий ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ошириш билан бирга уларнинг ақлий чарчоғининг ҳам олдини олади. Қолаверса, бу усул ўтган мавзуларни мустаҳкамлаш ва назорат қилишда самарали саналади. Қуйида 4-синфларда синтактик мавзуларни ўрганишга доир бир нечта таълимий ўйинларни этиборингизга ҳавола этамиз.

“Ўз вазифасида қолсин”. Ўқитувчи хаттахтага гуруҳлар учун алоҳида бош ва иккинчи даражали бўлақларга оид сўзларни ёзади. Масалан: пахта (эга вазифасида), кўпайсин (кесим вазифасида), Раънога (иккинчи даражали бўлақ вазифасида), Болагинам (ундалма вазифасида) каби.

Ўқувчилар шу сўзлар иштирокида гап тузадилар. Ўйин орқали уларнинг гапларни тўғри тузиш, гап бўлақларини ўз ўрнида қўллай олиш ва мустақил фикрлаш қобилияти шаклланади.

“Топингчи”. Ўқитувчи бир неча гап ёзилган таркатма материалларни гуруҳларга беради. Ўқувчилар гапларнинг мазмунига кўра турларини аниқлаши ва гап охирига тиниш белгиларининг мосини қўйишлари керак бўлади. Ўйин орқали улар гапларнинг мазмунига кўра турларини бир-биридан фарқлай туриб, олган назарий билимларини ҳам мустаҳкамлайдилар.

- Осмонни қоп-қора булут қоплади (.)
- Иссиқ яхшими, ё совуқ (?)

- Эҳ, муздек сувда чўмилиш қандай роҳат (!)

“Сен ҳаммасини эслаб қол!”. “Расм асосида матн тузинг ва сарлавҳа кўйинг”, дея ўқитувчи томонидан ўйин шарти эълон қилинади. Гуруҳларга расмли карточкалар тарқатилади ва малум вақтдан кейин карточкалар йиғиб олинади. Ўқувчилар матн тузаётганида грамматик хатоларсиз, гапнинг тузилиши ва жойлашиш ўрнини ҳисобга олишлари керак бўлади.

Ўйин орқали уларнинг хотираси, ижодкориик ва мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, баён, иншо каби мустақил ёзма иш ёзиш кўникмаси ошади ҳамда сўз бойлиги ортади.

“Сирли шарлар” ёки аралаш сўзлар асосида гап тузиш машқи. Ўқувчилар шарлар ичидаги сўзлар иштирокида гап тузадилар. Ўйин тўғри ва мустақил фикрлашга, диққат ва тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

“Куз”. Берилган сўзлар асосида куз табиати тасвирланган матн тузиш. Ўйин ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва тасаввурини ўстириш учун мўлжалланган бўлиб, она табиатни севишга, табиат ўзгаришларини тўғри англашга ҳам ўргатади. Матн тузиш учун сўзлар:

Булут: куз, фасли, Ўлкамга, олтин, келди.

Қуш: лайлак, турна, қалдирғоч, учиб кетди, Жануб томонга ва бошқалар.

“Ўхшашини топинг”. Ўқитувчи томонидан гуруҳларга иккитадан гап берилади. Ўқувчилар гапларнинг ўхшаш томонларини топишлари керак. Ўйин болаларнинг ўтган мавзулар бўйича олган билимларини мустаҳкамлашга замин яратади. Масалан, ...Болажоним, бошлаб қўйган хатимни ўн кундан кейин давом эттираяпман. Ойижон, бу нечанчи хат ёзишим экан, ўзим ҳам билмайман.

Бу гапларнинг ўхшаш томонлари: мазмунига кўра дарак гап, билдирилаётган фикр тугалланганлиги сабабли охирига нуқта қўйилган. Ҳар икки гапда ҳам ундалмалар иштирок этган. Гапнинг мазмуни хат ҳақида эканлиги).

“Қараб ол ва эслаб қол”. Ўқувчиларга бир лаҳзага расмлар кўрсатилади ва олиб қўйилади. Улар шу расмларга қараб гап тузадилар. Ўйин бола хотирасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Она тили дарсларида таълмий ўйинлардан фойдаланиш ўқувчилар билимини ошириш билан бирга, уларни эркин ва мустақил фикрлашга йўналтира олиш билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, дарс жараёнини қизиқарли кечишини ҳам таъминлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай педагогик янгилик заминидан бирон –бир ғоя ётади. Педагогик технология қандай қилиб, қандай усуллар билан ўқитилса, натижа яхши бўлади, ўқувчиларнинг дарс жараёнига фаол қатнаши, дарсга қизиқиши ортади, деган саволга жавоб беради. Дарсларнинг қанчалик самарадорли бўлиши албатта биринчи ўринда, биз педагогларга ўқитувчиларнинг дарс ўтишларига боғлиқдир. Демак, биз бугун инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтишимиз зарурдир.

II.2. 4-синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжатларда таълим тизимини босқичма босқич янгилаш, халқаро талаблар асосида янги турдаги таълим муассасаларини яратиш долзарб вазифа сифатида белгиланди. “Биз нафақат сиёсий жабҳани, балки иқтисодий ва маънавий ҳаётни ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам, маънавий-ахлоқий соҳани ҳам ислоҳ қилишимиз зарур. Бу ғоят кенг кўламдаги ислоҳотлар бўлиб, биз уларни комплекс тарзда ҳал қилиш орқалигина ўз мақсадларимизга эриша оламиз” - деб таъкидлаган эди юртбошимиз Ислам Каримов. Янгича таълим тизимини қуриш, педагогик жараёнга янги таълим технологияларини киритиш, ўқувчи-ёшларни, талабаларни мустақил, ижодий ишлашга, эркин фикрлашга ўргатиш, педагогик жараёнларда ноанъанавий, қизиқарли, фаол инновацион усулларни қўллашни ҳозирги кун талаби тақозо қилмоқда.

Хўш педагогик жараёнларда бу усуллардан қандай фойдаланиш керак? Ноанъанавий, қизиқарли, фаол, инновацион усулларнинг қандай турлари мавжуд? Мазкур саволларга бериладиган жавоблар таълим жараёни самарадорлигини оширишга оид долзарб муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ўқитиш жараёнларида ноанъанавий таълим усуллари: “Конференция дарси”, семинар дарси, “Аралаш дарслар”, “Ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтиш”, “Касбга боғлаб дарс ўтиш”, “Бадий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш”, “Эврика(ўйлаб топ)”; таълимнинг қизиқарли фаол усуллари: “Кичик ва катта гуруҳларда ишлаш”, “Роли ўйинлар”, “Саҳна кўриниши”, “Кроссвордлар ечиш”, “Заковат саволлари”, “тест синон топшириқлари”, “Турли тарқатма материаллардан фойдаланиб дарс ўтиш”, “Синквейн ўйинлари”; шунингдек, таълимнинг инновацион (янги) усуллари “Модификациялашган таълим”, “Импровизация”, “Ақлий ҳужум”, “Дебат”,

“Танқидий тафаккурни ривожлантирувчи усул”, “Кластер усули”, “Муаммоли вазият”, “Муайян ҳолат, вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш”, “Ҳар ким ҳаркимга ўргатади”, “Нуқтаи назаринг бўлсин”, “Мультимедиа воситаларидан фойдаланиш” ва бошқаларни қўллаш муҳимдир.

Биз тажриба-синов ишида 4-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ўстириш инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқувчилар билимини назорат қилиш методикаси бўйича кўзда тутилган зарурий билим, малака ва кўникмаларимизни эксперимент шароитда амалга оширилди. Бундан асосий мақсад, битирув малакавий ишининг сифатли эканлигини белгилаш ва шу асосида камчиликларни ҳам аниқлашдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларини Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида) “Она тили” дарсларининг амалиётдаги аҳамиятини биз “Она тили” дарсларида ўтказилган дарслар миқёсида кўриб чиқамиз. Қўйида биз “Товушлар ва ҳарфлар”, “Сўз туркумлари” мавзусидаги дарс ишланмаларини кўриб чиқамиз. Дарснинг мавзуси: Товушлар ва ҳарфлар.

Таълимий мақсади: мавзу ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш асосида мустақил машқ бажариш қобилиятини шакллантириш.

Тарбиявий мақсади: мавзу асосида келган машқ сўзлари маъносини тушунтириш, уларнинг, ҳаётдаги ўрни ҳамда амалий томони ҳақида тушунча бериш.

Ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчиларнинг олган билимларини ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятини шакллантириш.

Дарс тури: Ноанъанавий

Дарс услуби: Кластер, ақлий ҳужум, сўзлар ўйини машқи.

Дарс жиҳози: мавзуга оид тарқатмалар, ҳарфлар, кесма бўғинлар, дарслик, саволли карточкалар.



Дарсинг блок схемаси:

1.	Ташкилий қисм	2
2.	Уй вазифани назорат қилиш ва мавзуни мустаҳкамлаш	10
3.	Янги мавзу баёни	20
4.	Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш	10
5.	Дарс якуни ва ўқувчиларни баҳолаш	3

Дарсинг бориши:

I. Ташкилий қисм:

- а) Саломлашиш
- б) Давоматни аниқлаш
- с) Фасл ҳақида суҳбат ўтказиш
- д) маънавият дақиқаси ўтказиш



II. Уй вазифани назорат қилиш ва мустаҳкамлаш:

Ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинади. Гуруҳлар ўз гуруҳларига ном қўядилар. Вазифаларни қандай, қайси тартибда ўтказиши мумкинлиги тушунтирилади. Ўқувчиларга биттадан ҳарф тарқатилади. Сўнгра улар олган ҳарфлари

асосида 1 дақиқа давомида 10 тадан сўз тузишлари керак бўлади. Бу вақт давомида улар, сўзларни тўғри тузишлари, хусниҳатлари эътиборга олинади.

Масалан: Й товуши. Йўлбарс, Йўл, Йўлак.... ва шу тарзда ушбу бажарган машқимизда унли ҳарфлар тагига 1 чизик, ундош ҳарфлар тагига 2 чизик чизиш топшириғи берилади. Уйга берилган вазифалари текширилиб, дафтарлар алмаштирилади.

III. Янги мавзу баёни:

Ақлий хужум машқи саволлари берилади.

- Товушларнинг ёзувдаги акси
- Нечта ҳарф бирикмалар бор
- Тутуқ белги қандай ҳарф....

Шу каби саволлар бериб, янги мавзу баён этилади. 91- машқ оғзаки бажартирилади. 92- машқ синфдаги фаол ўқувчи томонидан бажартирилади. У бир муддат ўқитувчи вазифасини ўтаб, бугунги янги мавзунини тушунтириб, бажатирадилар.



“Сўз ўйини” машқи. Расмни диққат билан кузатинг! Расмда кўрган буюмларингизни алифбо тартибида ёзинг. Ёзган сўзларингизни алифбодаги тартиби билан рақамланг.

Дазмол- 3, 1,24, 12, 14, 11. Копток- 10, 14, 15, 19, 14, 10

IV. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш:

- Ҳурматли ўқувчилар, бугунги дарс сизга ёқдимиди?
- Топшириқларни бажараётганингизда сизга кимлар ёрдам берди?

- Сизнингча товуш ва ҳарфларни нега билишимиз керак?
- Сизга кимнинг дарсда кўрсатган фаоллиги ёқди?
- Сўз ўйини бажараётганингизда сизга нима ҳалақит берди?

Ўқувчиларга ҳайвон ва қушларнинг товушини ёзишлари топшириқ қилиб берилади, топшириқни бажараолган ўқувчилар фаол ўқувчилар саналади. Мавзу мустаҳкамалнади.

V. Дарс якуни ва ўқувчиларни баҳолаш:

Ўқувчиларга она тили дарслигидаги 93-машқ бажариб келиши уқтирилади, уй вазифа тушунтириб берилади.

Ўқувчиларнинг имло саводлари алоҳида баҳоланади, дарсдаги фаолликлари, айтган фикрларига кўра ҳам баҳоланадилар.

Мавзу: Сўз туркумлари

Таълимий мақсад: ўқувчиларда мавзу юзасидан умумий тушунча ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсад: ўқувчиларда мавзуга мос табиат, жамиат ва инсон тафаккури ҳақидаги билимлами ҳосил қилиш.

Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларда сўз яшаш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Дарс методи: суҳбат, “Ақл чархи”, “Чархпалак”, “Бахтли тасодиф ўйини”, ўйин, мусобақа, бошқотирмалар.

Шакл: Дарс гуруҳларда ишлаш

Дарс жиҳози: плакат, тарқатма, хаттахта.

Дарснинг бориши:

Дарснинг шиори:


Биз ниманики қилмайлик

Барчаси зарур, керак

Билим эгаллаш учун

Тинимсиз ўқиш, ёзиш керак

Асосий қисм: Уй вазифасини текшириш



Берилган қўшимчалар ёрдамида ўзак, ўзакдош сўзлар ҳосил қилиш
Гулли, гулсиз, гулдор, гулчи, гулла.

Ўқувчилар навбати билан айтиб беришади. Айтган ўқувчилар
баҳоланади.

Овоз машқи: а, о, у, э, и, ў

Бу машқ орқали ўқувчилани унли ҳарфлар талаффузини текшириш.

Кейинги босқичда синф ўқувчилари 2-гурӯҳга бўлинади.

1-гурӯҳда ўғиллар, 2-гурӯҳда қизлар

Ўқувчилар гурӯҳларга бўлиниб, уларга топшириқлар ёзилган варақа
тарқатилади.

Масалан: биринчи шарт: Чархпалак методи. Қуйидаги жадвал чизмаси
гурӯҳларга берилади ва ўйин шарти тушунтирилади. Ўқувчилар берилган

сўзлар қайси сўз туркумига тегишли эканлигини аниқлаши ва сўз туркумлари ёзилган катакларга тушириши керак.

Сўзлар	Сўз туркумлари			
	От	Сифат	Сон	Фе`л
Синф				
Ойна				
Синди				
Қизил				
Ўнта				
Ёзади				
Бешинчи				
Ширин				
Олма				
Яшил				
Юради				
саккиз				

Ўқувчилар топшириқни бажарганларидан кейин уларнинг ишлари кузатилиб бориб ўқитувчи тўғри жавобни кўрсатади (катта плакатда ёзилган). Бу усулда ўқувчилар ижодий фикрлашга, ўз фикларини эркин баён этишга ва ўз камчиликларини билиш имкониятига эга бўладилар

2-шарт: “Ақл чархи” усулида ўтказилади. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилияти ривожланади, нутқ равланшади, тез ва тўғри жавоб малакаси шаклланади. Бу ўйинда ҳар бир гуруҳдан 2-тадан ўқувчи катнашади.

От сўз туркумига оид сўзларни айтинг. Сўзларни айтишда сиздан олдинги ўқувчилар айтган сўзни такрорлаб, кейин ўзингиз от сўз туркумига оид қўшимча сўз билан давом эттирасиз. Ўқувчи сўзларни кетма-кет айтиши

ва айтилган сўзлар такрорланмаслиги керак. Хатога йўл қўйилса ўйиндан чиқади. Масалан:

1-ўқувчи:	булбул
2-ўқувчи:	булбул-қарға
3-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук
4-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук-ота

1-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук-ота-она
2-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук-ота-она-опа
3-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук-ота-она-опа-ука
4-ўқувчи:	булбул-қарға-мушук-ота-она-опа-ука-сингил

3-шарт: “Бахтли тасодиф ўйини. “Бахтли тасодиф ўйини учун тузилган тарқатмалар. Бу шартда ҳам гуруҳлардан икки нафардан ўқувчилар иштирок этади. Бахтли тасодиф- 1

Савол. 1. Гапнинг қандай бўлаклари бор?

2. Эга ва кесим гапнинг қандай бўлаклари?

Жавоб: 1. Бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар.

2. Эга ва кесим гапнинг бош бўлаги.

Бахтли тасодиф- 2

Савол: 1. Гапда сўзлар қандай боғланади?

2. Кесим нимага боғланади?

Жавоб: 1. Гапда сўзлар ўзаро боғланади.

2.Кесим эгага боғланади

Бахтли тасодиф- 3

Савол. 1. Гапда иккинчи даражали бўлақлар нимага боғланади.

2. Сўроқлар ёрдамида қуйидаги гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини топинг:

Гуллар кечаси кўзларини юммайди.

Ушбу гап қуйидагича таҳлил қилинади: Нималар? Гуллар - сўзи гапнинг эгаси. Нима қилмайди? Юммайди - гапнинг кесими.

Кечаси, кўзларини- сўзлари иккинчи даражали бўлақ.

Иккинчи даражали бўлақ эга ёки кесимга боғланади.

Бахтли тасодиф - 4

Савол. 1. Гапда сўзлар нималар ёрдамида боғланади?

2. Қуйидаги гапнинг бўлақларини аниқланг:

Мен элимнинг юрагида яшайман.

Жавоб. 1. Гапда сўзлар ўзаро сўз ўзгартувчи қўшимчалар ва оҳанг ёрдамида боғланади.

Бахтли тасодиф- 5

Ютуқ - “5” балл 4 - шарт: кластер усулида бажарилади.

Бунда ўқувчиларнинг от сўз туркумига оид билимлари текширилади.

Гуруҳдаги навбатдаги 2та ўқувчилар чиқиб топшириқни бажаришади. Қолган ўқувчилар эса дафтарларида мустақил ишлайдилар.

1- гуруҳ аъзоларига зоғча сўзини товуш ҳарф таҳлили тартибида ёзиш топшириғи берилади. Зоғча - 5 та товуш, 4 та ҳарф, 1 та ҳарф бирикмаси.


Унли ҳарфлар: о, а

Ундош товушлар: з, ғ, ч

Жарангли ундошлар: з, ғ

Жарангсиз ундошлар: ч


2- гуруҳ аъзоларига қалдирғоч сўзини товуш ҳарф таҳлили тартибида ёзиш топшириғи берилади. Қалдирғоч - 9 та товуш, 8 та ҳарф, 1 та ҳарф бирикмаси бор. Унли товушлар: а, и, о. Ундош товушлар: қ, л, д, р, ғ, ч. Жарангли ундошлар: р, ч, ғ. Жарангсиз ундошлар: қ, д. Ўқитувчи ўқувчилар яхшироқ тушунчага эга бўлишлари учун қуйидаги кўرғазмани тушунтириб ўтади.



Гуруҳларнинг ҳар бир шартга жавоблари таҳлил қилиниб баҳоланиб борилади ва дарс охирида умумлаштириб айтилади.

Дарсни яқунлаш. Ўқувчиларнинг дарс давомида олган билимларини текшириш мақсадида қуйидаги машқ бажарилади.

Синф ёзув тахтасига от сўз туркуми кўрғазмаси қўйилади.



Кўрғазмада берилган топшириқларга жавоблар тарқатма шаклида ўқувчиларга берилади ва улардан жавобларни ўз ўрнига қўйишлари топширилади. Кўрғазмада жавобларни қўйиш учун чўнтаклар ясалган. Гуруҳ иштирокчиларининг кундаликларига баҳолар қўйилади.

Уйга вазифа: дафтарга от сўз туркумига оид гаплар тузиб, тегишли сўроқлар ёрдамида таҳлил қилиб келиш.

Бошланғич синф ўқувчиларида Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида) юзасидан тажриба-синов ишларини Термиз шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактабида олиб борилди. Унда биз асосий эътиборни 4-синф ўқувчиларнинг Она тили дарсларида эгаллаган билимларини қай даражада ўзлаштирганликларига қаратдик. Тажриба-синов ишлари қўйидаги синфларда олиб борилди.

Жадвал-1

Т/р	Мактаб	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Жами ўқувчилар сони
		синф	Ўқувчилар сони	синф	Ўқувчилар сони	
1.	8	4 ^а	31	4 ^б	22	53
2.	8	4 ^в	28	4 ^г	29	57
	Жами	2 та	59	2 та	51	110

Тажриба-синов ишларини бошлашдан аввал Она тили дарслари самарадорлигини қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида 4-А, 4-Б, 4-В, 4-Г синф ўқувчилари билан синов тести ўтказдик. Синов натижалари қўйидагича бўлди.

Жадвал-2

Т/р	Мактаб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами ўқувчилар сони
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	
1	8	4 ^а	13	12	6	31	4 ^б	9	8	5	22	53
2	8	4 ^в	11	12	5	28	4 ^г	12	10	7	29	57
	Жами	2 та	24	24	11	59	2 та	21	18	12	51	110

Тажриба гуруҳида танлаган 4-А, 4-В синф ўқувчиларининг Она тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланилди. Натижада, уларнинг сўз бойлиги, нутқ маданияти ва ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаллолик, поклик, софлик, садоқат каби эзгу ғояларни сингдириш ҳолатлари кузатилди. Назорат гуруҳида танланган 4-Б, 4-Г синф ўқувчиларининг Она тили дарслари ҳар доимгидек ташкил этилди. Уч ойлик суҳбат, инновацияларни қўллаш, кузатиш ва тажриба натижалари олинган синов тестида қуйидагича бўлди.

Жадвал-3

Т/р	Мактаб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами ўқувчилар сони
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	
1	8	4 ^а	7	15	9	31	4 ^б	8	8	6	22	53
2	8	4 ^в	4	14	10	28	4 ^г	9	12	8	29	57
	Жами та	2	11	29	19	59	2 та	17	20	14	51	110

Жадвал-4

Бу кўрсаткичларни фоиз ҳисобида кўрсатадиган бўлсак.

Т/р	Мактаб	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Жами ўқувчилар сони
		Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	Синф	Паст	Ўрта	Юқори	Жами	
1.	8	4 ^а	22,6 %	48,4%	29%	100 %	4 ^б	36,4 %	36,4 %	27,2 %	100 %	53
2.	8	4 ^в	14,3 %	50%	35,7 %	100 %	4 ^г	31% %	41,4 %	27,6 %	100 %	57
	Жами та	2	36,9 %	98,4%	64,7 %	200 %	2 та	67,4 %	77,8 %	54,8 %	200 %	110

Олиб борилган, тажриба-синов ишлари шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳида Она тили дарсларининг инновацин технологиялар асосида ташкил

этилганлиги самарадорлик 4-А синфда 77,4 %, 4-В синфда 85,7 %, га ўсганлигини кўришимиз мумкин.

II. Боб учун хулоса

Биз битирув малакавий ишимизнинг, иккинчи боби Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг усул ва воситаларига бағишланади. II.1. Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллаш шакл ва воситалари деб номланди. Унда биз бошланғич синф она тили дарсларида инновацион технологиялар асосида қўлланиладиган дидактик ва таълимий ўйинлардан намуналар келтирдик.

II.2. 4-синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш усуллари деб номланди. Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф она тили дарсларида инновацион технологияларни қўллаш муҳимдир.

Биз тажриба-синов ишида 4-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ўстириш инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқувчилар билимини назорат қилиш бўйича дарс ишланмаларидан намуналар келтиридик. Ўқувчиларнинг эгаллаган зарурий билим, малака ва кўникмаларимини таҳлил қилиб тажриба натижаларини ҳам келтириб ўтдик. Натижада қуйдагича хулосага келдик:

- бошланғич синф ўқитувчиси ҳар бир дарсни бугунги кун талаблари асосида ташкил этиши;
- дарсларда кўргазмали қурол ва воситалардан кенг фойдалана олиши;
- дарсларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда инновацион технологиялардан фойдаланиши;
- дарсларда инновацион технологиялар ўқувчиларда тафаккур мазмундорлиги каби ижобий хусусиятларнинг таркиб топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Бугунги кунда олдимизда турган мақсадимизга эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самараси, авваломбор замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқдир. Хусусан, мамлакатимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун таълим-тарбия тизимини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсади ҳам педагогик инновацион технологиялардан кенг фойдаланишимизни талаб этмоқда.

Иновацион технологиялардан кенг ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини инобатга олиб, биз битурув малакавий ишимизни Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари (4-синфлар мисолида) деб номладик. Ишимиз иккита бобдан ташкил топган.

I. Боб. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий назарий асослари.

II. Боб. Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг усул ва воситалари деб номладик.

Бошланғич синф ўқувчиларда Она тили дарсларида мавзу юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан кенг ёндашувини талаб этади. Шунинг учун ўқитувчидан ўқувчини турли вазиятларда тўғри фикр юрита олиш, фикрларини таққослай билиш, таҳлил этиш, муҳокама юритиш, ўз фикрини маълум бир тизимда ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилишда фақат бир хил ўқитиш методидан фойдаланмай, балки таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш ва ўқитиш методларини ўзаро алоқада қўллашни талаб этади.

Ўқувчининг шахс сифатида шаклланиши учун ўз фикри, ўз сўзи, ўзининг мустақил нуқтаи назари бўлиши талаб этилади. Бунга мактабда ўқитувчи томонидан назорат қўйилиб, болаларни эркин, мустақил фикрлашга, бир-бирини ҳурмат қилишга йўллайдиган, умуман, инсонни инсон сифатида қадрлашни таъминлаш жуда муҳимдир. Ўқитишда таълим шакллари, метод усулларининг самарадорлигини оширишда ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу соҳада ўқитувчидан жуда кўп изланиш талаб қилинади.

Тажриба-синов ишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, бошланғич синф ўқувчилари Она тили дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланишда қўйидагиларга амал қилиш лозим:

- бошланғич таълим жараёнини аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли ташкил этиш;
- бошланғич синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда ҳар бир дарс моҳиятидан келиб чиқиб, инновацион технологиялардан фойдаланишнинг шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;
- дарсларда педагогик технологиялар ва интерфаол методлардан самарали фойдаланиш;
- бошланғич синф ўқитувчиларининг малакаларини ошириш ва ўз устида мунтазам ишлашларини таъминлаш.

Тадқиқот иши натижасида қўйидаги хулосаларга келдик:

Биринчидан, бошланғич синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мазмун-моҳияти катта аҳамиятга эга.

Иккинчидан, бошланғич синфларда айниқса, 4-синф Она тили дарсларини ташкил этишда мунтазам равишда педагогик технологияларни қўллаш ва кўргазмали воситалардан фойдаланиш зарур.

Учинчидан, дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида ўқувчиларда она ватанга муҳаббат, муқаддас заминга ҳурмат, миллий ғурур, одоб-ахлоқ, дўстга садоқат ва эркин фикрлай олиш каби юксак ахлоқий фазилатлар шакллантирилади.

Тўртинчидан, бошланғич таълимнинг энг илғор тажрибаларидан, жумладан дарслари республика ва вилоят миқёсида оммалашган энг самарали деб топилган дарсларни ўқитувчилар орасида янада оммалаштириш орқали дарс самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Амалиёт жараёнида бошланғич таълимда олиб борилган кузатиш ишлари ва педагогик тажрибаларимизни хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, бошланғич синф Она тили дарслари самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланишда қуйидагиларни тавсия қиламиз.

1. Она тили дарсларини ташкил этишда аввалдан ўқитувчи дарсни лойҳалаб қандай технологиядан фойдаланиши лозимлигини аниқлаб олиш.
2. Дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллашда мавзуга доир кўргазмалар, техник воситалар ва адабиётлардан самарали фойдаланиш.
3. Ўқувчиларни гуруҳлар билан ишлашга ва бир-бирларига ўзаро ёрдам бериш малакаларини шакллантириш.
4. Мавзуларни мустаҳкамлашда ўқувчиларнинг Она тили фанини ўрганишга оид саволлар, муаммолар қўйиш йўли билан дарс жараёнини қизиқарли ташкил қилиш.
5. Дарс жараёнида педагогик технологияларни қўллашда уларни олдиндан шунга тайёр туришларига эришиш. Натижада, Она тили фанидан олган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш жараёнида юқори натижага эришиш, уларнинг келгуси фаолиятлари жараёнида ҳам самарали натижаларга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:“Маънавият”,2008-176б
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.:“Ўзбекистон”, 1992-65 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда.- Т.:“Ўзбекистон”,1999-48 б.
5. Каримов И.А. “Таълим тўғрисида”ги Қонун // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори.- Т.:“Шарқ”, 1997.-65 б.
6. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори.- Т.:“Шарқ”,1998.-45 б.
7. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги Халқаро конференсияда сўзлаган нутқидан. - Тошкент, 2012 йил, 17 феврал.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва яшаш-давр талаби. 5-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
9. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т.:“Ўзбекистон”, 1999.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.,2-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
12. Азимова “Ўзбекистоним менинг” Бошланғич таълим журнали 2003-йил №15 март-апрел 4-5-бет.
13. Азимова Н. Истиқлолим – истиқболим. Бошланғич таълим журнали 2003-йил №5 март-апрел 6-9-бет.
14. Бекмуродова. “Таълим стандартлари ва тарбиявий жараён самарадорлиги” халқ таълими 5-сон 2000-йил 91-93- бет.

15. Отақулова Г. “Ватанни севмоқ иймондандир” Бошланғич таълим журнали 2001-йил №2 март-апрел 12-13-бет.
16. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Фан”, 2008.
17. Раҳимбоева Қ. Ватаним-ёруғ масканим, Бошланғич таълим журнали 2001-йил №1 март-апрел 6-7-бет.
18. Раҳимова Н. “Ватан ичра ватан” Бошланғич таълим журнали 2003-йил №4 март-апрел 12-13-бет.
19. Умарова И. Ватан борасидаги сўз бойликларини ошириш, Бошланғич таълим журнали, 2003-йил 14-15-бет.
20. Ҳаммитова М. Жаҳон тан олган Ўзбекистон таълим тизими. Халқ таълими 6-сон 2000-йил 11-бет.
21. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом. Халқ таълими 4-сон 1998-йил 11-14-бет.
22. Қ.Абдуллаева “Янги педагогик технологиялар” Бошланғич таълим журнали 1999-йил 4-сон (25-бет)
23. Қиличов А. “Ўқитишнинг самарали усули”. Бошланғич таълим журнали 1995-йил.
24. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси ” маъруза матни, Тошкент 2002.
25. Ғуломова Х., Йўлдашева Ш. “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси ” маъруза матнилари Т., 2006 йил
26. 1-синф Она тили, 10-нашр, Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Х.Ғуломова Т.: “Шарқ”, 2014.
27. 2-синф Она тили, 12-нашр, К.Қосимова, С.Ғузаилов, А.Неъматова Т.: “Чўлпон”, 2014.
28. 3-синф Она тили, 13-нашр, С.Ғузаилов, М.Худойберганова, Ш.Йўлдошева, Т.: “Ўқитувчи”, 2014.
29. 4-синф Она тили, 6-нашр, Р.Икромова, Х.Ғуломова, Ш.Йўлдошева, Д.Шодмонқулова Т.: “Ўқитувчи”, 2013.

Интернет маълумотлари

1. ziyonet.uz
2. uznet.uz
3. uz.edu.uz
4. fikr.uz